

ЎЛДИРИШ ЁКИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИШ БИЛАН ҚЎРҚИТИШ ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИ**Хайдаров Ш. Д.***Тошкент давлат юридик университети*

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида давлат, жамият ва фуқаролар учун ҳақиқий хавф туғдирувчи ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятларга қарши курашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш “Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар” бобини бошлаб беради ҳамда ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ушбу бобдаги барча жиноятлар орасидан хавфлироқ ҳисобланади. Хусусан, мамлакатимизда 2014-2025 йилларда ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жинояти:

- 2014 йилда – 242 та (266 нафар шахс);
- 2015 йилда – 192 та (37 нафар шахс);
- 2016 йилда – 228 та (285 нафар шахс);
- 2017 йилда – 164 та (199 нафар шахс);
- 2018 йилда – 86 та (121 нафар шахс);
- 2019 йилда – 83 та (108 нафар шахс);
- 2020 йилда – 82 та (104 нафар шахс);
- 2021 йилда – 129 та (148 нафар шахс);
- 2022 йилда – 190 та (263 нафар шахс);
- 2023 йилда – 158 та (213 нафар шахс);
- 2024 йилда – 169 та (233 нафар шахс);
- 2025 йилда – 171 та (239 нафар шахс) [1] содир этилган.

Гувоҳи бўлганимиздек, мазкур ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жиноят 2020 йилдан бошлаб, ҳар йили мунтазам ошиб келаётганлиги мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлигидан далolat беради. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, ушбу жиноят қўрқитиш билан бошланиб, реал жиноий ҳаракатларга айланиб кетиши мумкин. Қолаверса, ушбу жиноят жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф солади, шахснинг руҳий ҳолатига зарар етказди, шу билан бирга жамоат тартибига хавф солади, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятига нисбатан ишончсизлик ҳиссини келтириб чиқаради.

“Руҳий зўрлик шакли сифатида қўрқитишнинг ижтимоий хавфлилиги унинг жабрланувчини ишонтиришида ифодаланишида, унинг жабрланувчида қўрқув ҳиссини келтириб чиқариши имкониятида, унинг иродасини буйсундириши ёки руҳий зарар етказишида намоён бўлади” [2, 69-70].

Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишнинг юридик таҳлилида биринчи ўринда ушбу жиноятнинг объектини таҳлил қилиш учун муҳим ҳисобланади. Жиноят объекти бу тажовуз қаратилган ижтимоий муносабатларнинг жиноят ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган мажмуидир [3]. Адабиётларда етарли эътибор берилмаганлиги туфайли ҳам ушбу муаммо ҳанузгача ўзининг тўлақонли ечимини топмаганлигини қайд этиш лозим. Мазкур муаммонинг баъзи бир жиҳатларига берилган тавсифларда қарама-қаршиликлар кузатилади, илгари сурилган фикрлар эса, аксарият ҳолларда умумий хусусият касб этади. Ҳолбуки ушбу қилмиш учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормалари ва уларни қўлланиш амалиётини янада такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш учун айнан жиноят объектини тўғри аниқлаш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Жиноий тажовуз объектини тўғри тавсифлаш муайян турдаги жиноятларнинг моҳиятини ёритиш, уларнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини кўрсатиш имкониятини беради, шунингдек аниқ жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади [4, 11]. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жиноятнинг Жиноят қонунидаги жойлашувидан келиб чикиб, унинг махсус объекти сифатида “инсон ҳаёти ва соғлиғи”, турош объекти сифатида эса, “инсон ҳаёти ва соғлиғининг хавфсизлигини” кўрсатиш мумкин.

Аксарият жиноят ҳуқуқи соҳаси мутахассислари ҳам ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишни инсон ҳаёти ва соғлиғининг хавфсизлигига тажовуз қилишини қайд этадилар [5]. Масалан, Л.Л.Кругликов ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш объекти сифатида “шахс ҳаёти ва соғлиғини” [6, 272], Э.Ф.Побегайло ва Н.И.Медведевлар “аҳоли ҳаёти ва соғлиғини” [7], Ю.А.Жданов “инсон иродаси эркинлигини” [8, 8] А.А.Крашенинников “инсон руҳияти дахлсизлигини” [9, 100], С.С.Ниёзова эса, “бошқа шахснинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларни” [10, 24-25] кўрсатадилар. Айрим ҳуқуқшунос олимлар ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишни кўп объектли жиноятлар сифатида тавсифлайдилар.

Хусусан, С.Х.Мазуков кўриб чиқиладиган жиноятнинг объекти сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

1) ҳаёт (ўлдиришга қасд бўлганда);

2) жамоат тартиби, тинчлиги, шахснинг шахсий эркинлиги (ўлдиришга қасд бўлмаганда) [11].

П.Н.Левин эса, “ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш бир вақтинг ўзида иккита объектга тажовуз қилади: инсон ҳаёти ва соғлиғига, соғлиғига шикаст етказиш билан қўрқитганда эса, инсон соғлиғига тажовуз қилади” [12, 9].

Фикримизча, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш объекти сифатида инсон ҳаётини қўрсатиш баҳсли. Чунки, башарти, қўрқитиш инсон ҳаётига тажовуз қиладиган бўлса, уни ЖК 112-моддаси эмас, балки қасддан одам ўлдиришга суиқасд сифатида малакалаш керак бўлади.

Шу боис ҳам ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишни руҳий зўрлик шакли сифатида баҳолаш лозим. “Инсон руҳияти ҳақиқатни акс эттиришнинг алоҳида шакли бўлиб, ҳис қилиш, хотира, ҳиссиёт, ирода, тафаккур ва бошқаларда намоён бўлади ҳамда унинг олий шакли онг ҳисобланади” [13].

Россиялик олим Л.В.Данелян эса, “ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жиноятининг махсус объекти – инсон ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар; турдош объекти – шахс хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар; бевосита объекти – шахснинг руҳий хотиржамлиги ва ирода ҳамда ҳаракат эркинлиги билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади” [14, 7-8].

Ю.А.Жданов эса, “ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишнинг объекти – инсон эрк-иродасини ифодалаш эркинлигини, яъни ташқаридан аралашувсиз, мажбурловсиз хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ва ўз онги ҳамда эркига мувофиқ қарорлар қабул қилиш имкониятини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар” [15, 44], деб ёзади.

В.Бужор ва В.Гуцуляк эса, “ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишнинг объекти – инсон ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар” [16] деб ёзадилар.

Н.Жоханна эса, “ушбу жиноятнинг объекти – шахс дахлсизлиги, чунки мазкур жиноят орқали жиноятчи ўз хавфсизлиги ҳақида ташвиш ва хавотир туйғусини келтириб чиқариш ва жабрланувчини ўз ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигидан қўрқиш ҳолатига солиб қўйиш мақсадини кўзлайди” [17, 11], деб ёзади.

М.В.Хабарова “ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишнинг махсус объекти – шахс манфаатлари, турдош объекти – инсон ҳаёти ва соғлиғи дахлсизлиги, асосий бевосита объекти – инсон ҳаёти ва соғлиғининг руҳий дахлсизлиги, қўшимча бевосита объекти – жамоат хавфсизлиги” [18], деб ёзади. П.Н.Левин эса, “ўлдириш қўрқитишда жиноят натижасида бир вақтнинг ўзида иккита объектга тажовуз қилинади: зарар етказиш хавфи остида қоладиган ҳаёт ҳамда руҳий таъсир қўрсатиш натижасида реал зарар қўрадиган инсон соғлиғи. Соғлиққа шикаст етказиш билан қўрқитилганда, жиноят фақатгина инсон соғлиғига тажовуз қилади, у бир томондан хавф остида қолса, бошқа томондан руҳий таъсир қўрсатади” [19, 22-23], деб ҳисоблайди.

Х.Х.Абсатаров эса, “ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жиноятининг объекти – руҳий хотиржамлик ва ирода ҳамда ҳаракат эркинлиги ҳисобланади. Ўлдириш билан қўрқитишда бевосита ҳаётга тажовуз қилинмайди, соғлиқ факультатив объект сифатида намоён бўлади” [20, 8]. Ҳуқуқшунос олим қўрқитишнинг объектини унинг мақсадидан келиб чиқиб, аниқлашни таклиф қилади. Хусусан, унинг ёзишича, “қўрқитиш мақсади ва мазмуни қўрқув етказишдан иборат. Бу эса, ҳар қандай қўрқитиш бошқа шахснинг ички хотиржамлигига ёхуд унинг ирода эркинлигига тажовуз қилиши ҳақида ҳулоса қилиш имконини беради.

Инсон соҳлиғи ва жисмоний дахлсизлиги ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишда фақатгина факультатив объект сифатида намоён бўлиши мумкин, чунки руҳий хотиржамлик бузилиши натижасида инсон организмда физиологик ўзгаришлар рўй бериши ёхуд жиноятчи қўрқитишнинг реаллигини исботлаш учун енгил тан жароҳати етказиши ёхуд дўппослаши мумкин.

Шу муносабат билан АҚШ, Польша, Франция каби давлатларда ҳам қўрқитиш шахснинг жисмоний ва руҳий дахлсизлигига тажовузларга оид боблардан, Германия, Испания, Швейцария, Беларусь каби давлатларда эса, шахсий эркинликка қарши жиноятларга оид боблардан ўрин олган” [21, 34-35].

Демак, жиноят объектида бевосита объектни аниқлаш:

- биринчидан, тажовузнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини аниқлаш имкониятини беради;
- иккинчидан, қилмишни тўғри квалификация қилишнинг зарурий омили ҳисобланади;
- учинчидан, жиноятни ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлашга қўмаклашади.

Ҳаёт ва соғлиқнинг хавфсизлигига бўлган ҳуқуқ инсоннинг муҳим ижтимоий ва ажралмас ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Ҳаёт ва соғлиқнинг хавфсизлиги ҳаёт ва соғлиққа бўлган конституциявий ҳуқуқнинг муҳим омили ҳисобланади. Яъни, ҳаёт ва соғлиқнинг хавфсизлиги соғлиқнинг дахлсизлиги, ўз соғлиғини тасарруф этиш, соғлиққа шикаст етказишга йўл қўймаслик ҳуқуқи кабиларни қамраб олади.

Оқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жиноят объекти хусусида қуйидагича ҳулоса қилиш мумкин. Яъни, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жиноятининг **махсус объекти** ЖК Махсус қисми биринчи бўлимида кўзда тутилган нормалар билан қўриқладиган шахсни муҳофаза қилишга қаратилган инсон ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар. Мазкур жиноятнинг **турдош объекти** шахснинг инсон ҳаёти ва соғлиғининг хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. ЖК 112-модданинг **асосий бевосита объекти** сифатида инсон ҳаёти ва соғлиғининг хавфсизлиги, шахснинг руҳий ҳолати билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ушбу жиноятнинг **қўшимча бевосита объекти** – соғлиғи, жиноятнинг бевосита факультатив объекти эса, жамоат тартибиди ҳам намоён бўлиши мумкин.

Шуни такидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ЖК 112-моддасининг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларида айнан жиноят объектига нисбатан оғирлаштирувчи ҳолатларнинг старлича инobatга

олинмаганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, ушбу моддада “вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса”, “ногиронлик белгисига эга эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса”, “хомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан”, “икки ёки бир неча шахсга нисбатан” каби оғирлаштирувчи ҳолатлар алоҳида жиноят-ҳукукий муҳофазага олинмаган. Шу муносабат билан билдирилган ушбу таклифлар асосида ЖК 112-моддасининг жавобгарликини оғирлаштирувчи ҳолатлари рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки, юқоридаги ҳолатларда содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси сезиларли даражада ортади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг №07/14-10125-258-сон хати
2. Сердюк Л. Угроза как вид насилия // Уголовное право. – 2014. – №3. – С. 69-70.
3. Новоселов Г.П. Учение об объекте преступления. – М., 2001 – С. 208.; Семченков И.П. Объект преступления: социально-философские и методологические аспекты проблемы: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2003.; Демидов Л.М., Лукин Р.Н. Объект и предмет преступления по уголовному праву России. Актуальные проблемы: Учебное пособие. – СПб., 2004. – С. 27.
4. Демидов Л.М., Лукин Р.Н. Объект и предмет преступления по уголовному праву России. Актуальные проблемы: Учебное пособие. – СПб., 2004. – С. 11.
5. Уголовное право России. Особенная часть: учебник / под ред. Л.В.Иногамовой Хегай, А.И.Рарога, А.И.Чучаева. – М., 2006. – С. 64; Овчинский С.С. Преступное насилие. Преступность в городах / сост. В.С.Овчинский. – М., 2007. – С. 39.
6. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / под ред. Ю.И.Скуратова, В.М.Лебедева. – М., 1996.
7. Медведева Н.И. Преступления, ставящие в опасность жизнь и здоровье личности в системе преступлений против здоровья: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Ростов н/Д, 2004. – С. 30.
8. Жданов Ю.А. Сравнительная уголовно-правовая характеристика угроз убийством или причинением тяжкого вреда здоровью и покушения на убийство: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Тюмень, 2014. – С. 8.
9. Крашенинников А.А. Угроза в уголовном праве России (проблемы теории и практики правового регулирования). – Ульяновск, 2002. – С. 100.
10. Ниёзова С.С. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрkitиш жиноятини квалификация қилиш масалалари ва хориж тажрибаси // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. –Тошкент, 2019. – №1(37). – Б.24-25.
11. Мазуков С.Х. Уголовно-правовая защита личности от угрозы убийством: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ростов н/Д, 1997.
12. Левин П.Н. Уголовная ответственность за угрозу убийством или причинением тяжкого вреда здоровью: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2007. – С. 9.
13. Шелехов И.Л., Белозёрова Г.В., Берестнева О.Г. Психика человека как объект междисциплинарного исследования // Информационные технологии в науке, управлении, социальной сфере и медицине: сборник научных трудов V Международной научной конференции, 17-21 декабря 2018 г., Томск : в 2 ч. – Томск: Изд-во ТПУ, 2018. – Ч.1.
14. Данелян Л.В. Уголовно-правовая и криминологическая характеристика угрозы убийством или причинением тяжкого вреда здоровью (по материалам Тюменской области): Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Тюмень, 2021. – С.7-8.
15. Жданов Ю.А. Угроза убийством и покушение на убийство: сравнительный уголовно-правовой анализ: Монография. – Saarbrücken, Germany: LAP Lambert Academic Publishing, 2013. – С. 44.
16. Бужор В., Гуцуляк В. Иные преступления, посягающие на жизнь и здоровье личности (ст. ст. 155-163 УК РМ). Комментарий // Закон и жизнь. – 2011. – №7. – С. 4.
17. Johanna N. Gender and Criminal Law Policy // Finland: Turun yliopisto University of Turku. – 2015. – P.11.
18. Хабарова М.В. К вопросу об объекте угрозы или причинения тяжкого вреда здоровью (ст. 119 УК РФ) // Ученые записки: Сб. науч. и науч. - метод. трудов Северо-Кавказского филиала государственного образовательного учреждения высшего профессионального образования «Российская академия правосудия» (г. Краснодар): В 2 т. Краснодар, 2006. – Т.1. – С.150-151.
19. Левин П.Н. Понятие и признаки угрозы убийством или причинением тяжкого вреда здоровью // Человек преступление и наказание. – 2007. – № 1. – С. 22-23.
20. Абсатаров Х.Х. Угроза убийством или причинением тяжкого вреда здоровью как преступление против личности (уголовно-правовой и криминологический аспекты): Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Челябинск, 2005. – С.8.
21. Абсатаров Х.Х. Угроза убийством. Учебное пособие. – Уфа: ФСНП Академии налоговой полиции, 2001. – С.34-35.

Аннотация. Мақолада ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрkitиш жиноятининг тушунчаси, белгилар ҳамда жиноятнинг объектига оид асосий тушунчалар баён этилган. Шунингдек, мазкур мақолада ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрkitиш жинояти ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган жиноятлардан бири эканлиги асослаб берилган.

Калит сўзлари: жавобгарлик, жиноят, ижтимоий хавфли қилмиш, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш, кўрkitиш.

Аннотация: В статье описываются концепция, признаки и основные понятия преступления убийства или насильственного запугивания. Также утверждается, что преступление убийства или насильственного запугивания относится к числу преступлений, представляющих высокую социальную опасность.

Ключевые слова: ответственность, преступление, социально опасное деяние, преступление, убийство или применение насилия.

Abstract: This article describes the concept, signs and basic concepts of the crime of murder or intimidation with violence. It also argues that the crime of murder or intimidation with violence is one of the crimes with a high level of social danger.

Key words: crime, liability, socially dangerous act, crime dangerous to life or health, intimidation.